*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 228 (8718). ● 27 ноябрь, 1985 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

*ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ*



Москва, Кремль. 1985 йил 26 ноябрь. СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси.

# ЖАДАЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

Бунёдкорлик тажрибасини орттирган, коммунистик идеалларнинг тарихий ҳаққонийлигига астойдил ишонган совет халқи КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрмоқда. Жамиятимизнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўлида бизга мустаҳкам, тинчлик керак. Шу боисдан совет кишилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Женевадаги Совет-Америка учрашувида қилган ишини сидқидилдан маъқулламоқдалар.

Совет Иттифоқи давлат ҳокимияти олий органининг депутатлари 26 ноябрда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессиясига тўпландилар. Сессия Москвада, Катта Кремль саройида палаталарнинг қўшма мажлиси билан иш бошлади.

**М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Н. В. Талызин, Б. Н. Ельцин, Л. Н. Зайков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов** ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисни СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси депутат **А. Э. Восс** очди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибини ва унинг иш тартибини якдиллик билан тасдиқладилар. Муҳокамага қуйидаги масалалар киритилди:

1. СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Н. И. Рижковни СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлаш ва ўртоқ Н. А. Тихоновни СССР Министрлар Советининг Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1985 йил 27 сентябрь Фармонларини тасдиқлаш ҳақида.

2. СССР Олий Совети Президиумининг составига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

3. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида.

4. СССРнинг 1986 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

5. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари муносабати билан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисидаги қонун асосларига ҳамда бошқа қонун актларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

6. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақида.

7. Олий даражада Женевада ўтказилган Совет-Америка учрашувининг якунлари ва халқаро вазият тўғрисида.

Кун тартибининг биринчи банди юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари депутат **М. С. Горбачевга** сўз берилади.

## Депутат М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Депутат ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети билан СССР Олий Совети Президиумининг топшируvига биноан ўртоқ Н. И. Рижковни СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлаб, СССР Олий Совети Президиумининг шу масала юзасидан 1985 йил 27 сентябрда чиқарган Фармонини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни сизларнинг муҳокамангизга киритаман.

Николай Иванович Рижков катта ташкилотчилик қобилиятига, ишлаб чиқариш, хўжалик ва партия иши соҳасида бой тажрибага эга бўлган киши эканини кўрсатди. Партия унга қайси участкани топширмасин — «Уралмаш»нинг бош директори, СССР оғир ва транспорт машинасозлиги министрининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари, КПСС Марказий Комитетининг секретари каби ҳамма лавозимларда Н. И. Рижков бутун куч-қувватини, билимини сарфлаб ишлади, фидокорона ва ижодий ишлади.

Унга СССР Министрлар Советининг Раиси лавозими ишониб топширилган ҳозирги пайтда Николай Иванович ишга зўр ғайрат билан киришди, халқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш мақсадида бир қанча муҳим таклифларни Сиёсий бюро ва ҳукуматнинг кўриб чиқиши учун тақдим этди. Бинобарин, тўғри йўналишдан борилмоқда. Эндиликда КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми ва кейинги Пленумлари белгилаган, партиянинг янги таҳрирдаги Программаси ҳамда мамлакатни беш йилликда ва бирмунча олис истиқболда иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш Асосий йўналишларининг лойиҳалари каби ғоят муҳим ҳужжатларда акс эттирилган йўлдан сабот билан олға бораверишь муҳимдир.

Коммунистик партиянинг сиёсатида халқимизнинг манфаатлари ва хоҳиш-иродаси, унинг Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудрати мустаҳкамроқ бўлиши, совет кишиси яна ҳам яхшироқ яшаши ва ишлаши йўлидаги муддаоси ўзининг мужассам ифодасини топмоқда.

Хўш, шунга асосланиб, биз Совет Иттифоқи ҳукуматидан нималарни кутмоқдамиз?

Биринчиси, партиянинг мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, халқ хўжалигини интенсивлаш ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосий воситаси сифатида фан-техника тараққиётини авж олдиришга қаратилган йўлини яна ҳам зўр ғайрат билан амалга оширишдан иборат. Бу эса халқ фаровонлигини янада юксалтиришни таъминлашга олиб борадиган асосий йўлнинг ўзи бўлиб, бу йўл партиямиз билан давлатимизнинг олий мақсадидир.

Ҳукумат сабот билан ишлаши лозим бўлган иккинчи вазифа — планлаштиришни такомиллаштириш, халқ хўжалигини мутаносиб равишда ва комплекс ривожлантиришни таъминлаш, молиявий системамизни мустаҳкамлашдир. Бу эса Министрлар Совети хўжалик механизмининг барча соҳаларини диққат марказида тутиб, бутун экономика учун энг муҳим ва умумий бўлган проблемаларга биринчи навбатда эътибор бериши, турли тармоқлар туташган жойда баҳамжиҳат ишлаш таъминланишини кузатиб бориши кераклигини билдиради. Маълумки, турли тармоқлар туташган жойда кўпинча бизнинг бундан буёнги ўсишимиз учун энг катта резервлар мавжуд бўлади.

Ҳукуматнинг эътибори қаратилиши лозим бўлган учинчи вазифа — давлат бошқаруви системасини такомиллаштиришдан иборат. Бу вазифа СССР Министрлар Совети тўғрисидаги қонунда унинг вазифалари орасида энг асосий ўринларнинг бирига қўйилган. Бунда ҳам марказлаштирилган планлаштиришни бошқариш, раҳбарликнинг иқтисодий методларини жорий этиш ҳам, шунингдек, бирлашмалар, корхоналар ҳамда маҳаллий органларнинг ташаббускорлигини кенг ривожлантириш, уларнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш, тегишли тармоқлар ишидаги аҳвол учун министрларга ва идораларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш ҳамда жамиятнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш ҳам айниқса муҳимдир.

Ниҳоят мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлаш Ер юзида тинчлик манфаатлари йўлидаги актив ташқи сиёсий фаолият, социализм мамлакатлари билан социалистик иқтисодий интеграцияни, қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш ҳукуматнинг биринчи даражали вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Хуллас, депутат ўртоқлар, биз мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини амалга ошириш, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини изчиллик билан рўёбга чиқариш борасида ҳукуматдан актив ҳаракатларни кутмоқдамиз.

Республика ҳукуматларидан бошлаб то маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларигача барча бошқарув органлари фаолиятининг мазмуни ва мароми кўп жиҳатдан СССР Министрлар Совети ўз ишига қандай суръат бағишлашига боғлиқ бўлади. Шу боисдан Иттифоқ ҳукуматининг иш услуби чуқур таҳлил намунаси, қабул қилинган қарорларнинг аниқ-пухталиги ва уни амалга оширишда талабчанлик, изчиллик, халқ манфаатлари тўғрисида доимий ғамхўрлик, меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш намунаси бўлиб хизмат қилиши керак. Халқ Комиссарлари Советининг биринчи Раиси Владимир Ильич Ленин ҳукумат фаолиятининг бош мазмунини айни мана шулардан иборат деб билган эди.

Министрлар Совети, унинг Раиси ўз иши савиясини яна ҳам юқори кўтариш, бу иш Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртага қўяётган талабларга тўла-тўкис мос келиши учун ҳамма ишни қиладилар деб ишонч билдиришга ҳамма асосларимиз бор, деб ўйлайман. (**Қарсаклар**).

Депутатлар ўртоқ Н. И. Рижковни СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлаш тўғрисида СССР Олий Советининг қарорини бир овоздан қабул қилиб, СССР Олий Совети Президиумининг ушбу масала юзасидан 1985 йил 27 сентябрда чиқарган Фармонини тасдиқлайдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Н. А. Тихонов бетоблиги сабабли ўз илтимосига кўра пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР Министрлар Советининг Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақидаги қарор ҳам қабул қилинади.

Сўнгра СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. И. Рижков** нутқ сўзлади.

## Депутат Н. И. РИЖКОВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Менга билдирилган катта ишонч учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Советига астойдил миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сизларнинг ишончингизни мен аввало СССР Министрлар Совети олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун юксак масъулият деб қабул қиламан.

(**Давоми учинчи бетда**).

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### ДЕПУТАТ В. С. ШЕВЧЕНКОНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Валентина Семеновна **Шевченко** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1985 йил 26 ноябрь.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### ДЕПУТАТ С. МУКАШЕВНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Саламат **Мукашев** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1985 йил 26 ноябрь.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### ДЕПУТАТ Р.-Б. И. СОНГАЙЛАНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат **Сонгайла** Рингаудас-Бронисловас Игнович СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1985 йил 26 ноябрь.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўз мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг АҚШ президенти Р. Рейган билан Женевадаги учрашуви якунларини кўриб чиқиб, М. С. Горбачев қилган ишни, музокаралар натижасида эришилган аҳдномаларни ва қўшма Баёнотни тўла-тўкис маъқуллади.

Женевадаги учрашув халқаро турмушнинг жуда катта сиёсий воқеаси бўлганлиги уқтириб ўтилди. СССР ва АҚШ раҳбарлари қўшма ҳужжатда: ядро уруши бошланмаслиги керак, деб айтганликлари учрашувнинг принципиал муҳим якуни бўлди. Улар СССР билан АҚШ ўртасида ҳар қандай урушнинг — ядровий ва оддий урушнинг олдини олиш муҳимлигини таъкидладилар ва ҳарбий устунликка эришишга интилмаслик мажбуриятини олдилар. Шу жиҳатдан олганда, Женевадаги музокараларнинг якунлари ҳозирги халқаро муносабатлардаги сиёсий ва психологик иқлимни ўзгартиришга, бу муносабатларни соғломлаштиришга ижобий таъсир ўтказа олади, ядровий уруш чиқиши хавфини камайтира олади. Учрашув Совет—Америка муносабатларида, қолаверса, умуман бутун дунёда яхшилик сари ўзгаришларга эришиш мақсадида мулоқот бошланишига асос солди.

Кейинги вақтларда КПСС билан Совет давлатининг халқаро хавфсизлик энг муҳим масалаларини ҳал этиш: уруш хавфини камайтириш, жаҳон майдонидаги давлатлараро муносабатларни яхшилаш сари қатъиян бурилиш йўлида бошлаган ташаббуслар ва ҳаракатлар тўғрилигини учрашув якунлари яна яққол тасдиқлаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий бюро шуни уқтириб ўтдики, Совет—Америка муносабатларида хавфсизлик соҳаси белгиловчи соҳа бўлиб қолаверади, космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш ва у билан узвий боғлиқ равишда ядро қуролларини қисқартириш проблемаси бу соҳанинг ўзагини ташкил этади. Учрашув натижаларидан энди олий даражада тасдиқланган 1985 йил 8 январдаги Совет — Америка қўшма Баёноти асосида ядровий ва космик қуролларга бағишланган музокараларни жадаллаштириш учун фойдаланилиши лозим. Иккала томоннинг таклифларида яқинлашув нуқталари бор ва бу нарса зарбдор космик қуроллар ишлаб чиқишни тақиқлаш шароитида ядро қуролларини тубдан ва кескин қисқартиришга оид ўзаро мақбул қарорларга келиш йўлини қидириш имконини беради. Шу билан бирга музокаралар давом этаётганлиги фактининг ўзи қуролланиш пойгасини оқлаш ва ниқоблашга хизмат қилмаслиги керак. Қуролланиш пойгаси космосга чиқишига йўл қўймаслик ва Ердаги шундай пойгани тўхтатиш асосида ядро уруши хавфини тугатиш — энг муҳим вазифадир. Бу вазифанинг ҳал этилиши барча давлатларнинг ва тинчликсевар ижтимоий-сиёсий кучларнинг масъулият билан ёндашишини, янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлаб ҳисса қўшишини талаб қилади.

Женева учрашувининг узоқ муддатли моҳияти аниқ-равшан амалий ишларда намоён бўлади ва иккала томоннинг Женевада қабул этилган қўшма Баёнот асосида иш қилишга тайёрлигига боғлиқ бўлади. Совет Иттифоқи бу вазифани ҳал этиш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилади ва АҚШ маъмуриятидан ҳам шуни кутади.

КПСС ўзининг ташқи сиёсатида бундан буён ҳам ҳар бир халқ ўз йўлидан бориш, ўз дўстлари ва иттифоқчиларини ўзи танлаб олишдан иборат суверен ҳуқуққа эга деган фикрга муттасил асосланиб иш тутаверади. Сиёсатнинг тўғрилиги ва самарадорлиги ҳозирги дунёнинг реалликларини, унинг хилма-хиллигини, кўплаб ва турли давлатларнинг ҳар хил, кўпинча бир-бирига тўқнаш келадиган манфаатларини эътиборга ола билиш, низоли халқаро проблемаларни ҳал этишни бош мақсадга —ядро урушининг олдини олиш мақсадига эришишга бўйсундириш маҳорати билан белгиланади. КПСС айни шундай иш тутмоқда.

Сиёсий бюро куч-ғайратни бўшаштирмай, қурол-яроғларни тубдан ва кескин қисқартиришга, шу асосда Совет—Америка муносабатларини нормаллаштириш ва соғломлаштиришга, жаҳон уруши хавфини тугатишга интилавериш зарурлигини уқтирди. Бу ишда СССР билан АҚШ ўртасида, шу жумладан олий даражадаги мулоқотни давом эттириш ва чуқурлаштириш ҳақида Женевада эришилган аҳднома катта роль ўйнаши лозим.

СССР билан АҚШни мухолифликка, айниқса урушга муқаррар дучор қиладиган зиддиятлар йўқ. Улар ўртасида вужудга келаётган проблемаларни тенглик ва баб-баравар хавфсизлик, ўзга мамлакатларнинг манфаатларига зарар етказмаслик принципига қатъий риоя этган тақдирдагина ҳал этиш мумкин. СССР билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг амалий масалалари ўзаро манфаатдорлик ва ички ишларга аралашмаслик асосида ҳал қилиниши керак.

Ядро асрида турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан бошқа оқилона йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу шак-шубҳасиз ҳақиқат Совет Иттифоқининг барча мамлакатлар билан, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари билан ҳам муносабатларини белгилаб турибди ва белгилайверади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг олий раҳбарлари 1985 йил 21 ноябрь куни Прагада бўлиб ўтган учрашувда М. С. Горбачевнинг Женевада қилган ишини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг биргаликдаги тинчликсевар позициясини, Сиёсий Маслаҳат Комитетининг 1985 йил октябрида Софиядаги кенгашида қабул этилган ташқи сиёсат программасини олға силжитишга бениҳоя муҳим ҳисса бўлиб қўшилди, деб баҳолаганликларини КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мамнуният билан қайд этди.

Учрашув қатнашчилари Европадаги ва дунёдаги ишларни яхшилик сари буриб юбориш учун бундан буён ҳам ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилаверишга тайёр эканликларини тасдиқлаганликлари, улар қардош мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини, уларнинг синфий бирдамлигини ва ҳамкорликнинг ҳамма соҳаларидаги ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларни мустаҳкамлашга азму қарор берганликларини якдиллик билан изҳор қилганликлари принципиал аҳамиятга эгадир.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎРТОҚ Н. И. РИЖКОВНИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг мазкур масала юзасидан 1985 йил 27 сентябрдаги Фармонини тасдиқлаб, ўртоқ Николай Иванович **Рижков** СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1985 йил 26 ноябрь.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ Н. А. ТИХОНОВНИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Николай Александрович **Тихонов**ни соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли пенсияга чиқиши муносабати билан унинг илтимосига кўра СССР Министрлар Совети Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида 1985 йил 27 сентябрдаги Фармони тасдиқлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1985 йил 26 ноябрь.

### ЗИМБАБВЕ АФРИКАЛИКЛАР МИЛЛИЙ ИТТИФОҚИ ВАТАНПАРВАРЛИК ФРОНТИ ПАРТИЯСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ВА БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, ЗИМБАБВЕ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ МИНИСТРИ РОБЕРТ ГАБРИЭЛЬ МУГАБЕНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Зимбабве африкаликлар миллий иттифоқи — Ватанпарварлик фронти партиясининг президенти ва биринчи секретари, Зимбабве республикасининг Бош министри Роберт Габриэль Мугабе партия-ҳукумат делегациясига бош бўлиб шу йил декабрь ойининг биринчи ярмида расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

